

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУЛАЗИЗОВ ОТАБЕК НАСИБЖОН ЎҒЛИ

**БОЛДИР СУЯКЛАРИ ЁПИҚ СИНИҚЛАРИДА ЎТКИР
КОМПАРТМЕНТ СИНДРОМИНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstracts of Doctor of Philosophy (PhD)

Абдулазизов Отабек Насибжон ўғли

Болдир суяклари ёпиқ синикларида ўткир
компартмент синдромини прогнозлаш ва даволаш..... 3

Абдулазизов Отабек Насибжон угли

Прогнозирование и лечение острого компартмент
синдрома при закрытых переломах костей голени..... 23

Abdulazizov Otabek Nasibjon ogli

Prediction and Treatment of Acute
Compartment Syndrome in Closed Fractures
of the Bones of the Lower Leg..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУЛАЗИЗОВ ОТАБЕК НАСИБЖОН ЎҒЛИ

**БОЛДИР СУЯКЛАРИ ЁПИҚ СИНИҚЛАРИДА ЎТКИР
КОМПАРТМЕНТ СИНДРОМИНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3884 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzniito.uz), «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) ва Миллий ахборот агентлиги порталида (www.uza.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худайбердиев Қобил Турсунович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Валиев Эркин Юлдашевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хўжаназаров Илҳом Эшқулович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2025 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2025 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э. Ирисметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

А.П. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Болдир суяклар синушлари натижасида юзага келадиган ўткир компартмент синдроми жиддий асоратларга олиб келувчи патологик ҳолат ҳисобланиб, жароҳатланган соҳада фасция ичи босимининг ошиши, қон айланиши ва кислород билан тўйинишнинг бузилиши натижасида шиш, кучли оғрик, парез ва паралич, инфекциянинг ривожланиши, ҳаттоки мушакларнинг некрози каби асоратларга олиб келади. «Болдир суяклар синушлари найсимон суяклар синушларининг 18-30,3%дан 42-61,5%гачасини ташкил этади»¹, «...ўткир компартмент синдроми эса 17% гача кузатилади»². Ўткир компартмент синдроми асоратлари туфайли вужудга келадиган оёқлар фаолиятининг бузилиши, давомли даволаш, ногиронлик ва ҳаёт сифатининг ёмонлашиши каби тиббий ва ижтимоий ҳолатлар ушбу муаммонинг долзарблигини оширади.

Жаҳонда ўткир компартмент синдроми эрта ташхислаш, даволаш ва мониторинг қилишни оптималлаштириш мақсадида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда, фасциотомиянинг турли жарроҳлик вариантлари, диагностика ва мониторингдаги инновациялар, ноинвазив ташхислаш технологиялари оптималлаштирилмоқда. Ультратовуш ва эндоскопик назорат ёрдамида мининвазив фасциотомия, босим мониторинги биомаркерларидан фойдаланиш, фасциотомиядан сўнг қўлланиладиган VАС-терапия, мезенхимал ўзак хужайралари ва ангиогенез омилларидан фойдаланиш ишемиядан кейинги тўқималар регенерациясини яхшиланишига олиб келмоқда. Сезгир резисторлар ёрдамида тўпланган маълумотларга асосланган сунъий интеллект системалари ташхислашда самарали хизмат қилмоқда. Болдир суяклар синушларини даволашда замонавий остеосинтез усуллари амалиётга кириб келиши ва юқори технологик амалиётларни қўлланилиши туфайли беморларни даволашнинг самарадорлиги ортмоқда. Бинобарин, мушакларнинг қўпол жароҳатлари ва унда юз бераётган морфологик ўзгаришлар, локал ишемия, тўқималар гипоксияси, ривожланувчи тўқима шиши каби асоратларни келиб чиқиши, замонавий ташхислаш ва даволаш ишланмалари яратилган бўлсада, ўткир компартмент синдроми олдини олишга қаратилган диагностика ва терапевтик тадбирларни, шунингдек касалликни ривожланиш босқичларида катта болдир суяги синушларини жарроҳлик даволаш ёндашувларини янада оптималлаштириш долзарб замон талаби бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ривожлантириш ва жаҳон талабларига мослаштириш, болдир суяги синушларини даволашни самарадорлигини орттириш ва ўткир компартмент синдроми хавфли асоратларини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда,

¹ Кезля О.П., Гивойно Л.В. Острый компартмент синдром как осложнение переломов костей голени // Новости хирургии, 2010. -№4.-Т.18.- С. 145-156.

²Federico C., Manu L.N.G.M., Andrew W.K, Emiliano G. Compartment Syndrome / Hot Topics in Acute Care Surgery and Trauma // Springer Nature Switzerland AG, 2021.-89p.<https://doi.org/10.1007/978-3-030-55378-4>

уларга «...ахолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш...»³ юзасидан муҳим вазифалар киритилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўткир компартмент синдромини замонавий технологияларни жорий қилган холда ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббий ва фармацевтика таълими ва фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 30 майдаги ПҚ-4737-сон «Нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида», 2024 йил 22 январдаги ПҚ-38-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Узун найсимон суякларни каторига кирувчи болдир суякларини синиқлари умумий найсимон суяклар синиқларини 18-30,3%дан 42-61,5%ни, умумий жароҳатланишни эса 23-35,5% ни ташкил этади (Кезля О.П., Гивойно Л.В., 2010 й., Sellei R.M., Hildebrand F., 2014). Бу кўрсаткичлар кейинги ўн йилликда ўзгармай қолмоқда. Айниқса болдир суякларини диафизар ва проксимал қисмларини шикастлари 84%ни ташкил этади. Шунинг билан биргаликда болдир суяклари синиқларида асорат сифатида кузатилувчи ўткир компартмент синдромининг учраши ўртача 7,1%ни ташкил этиб, тадқиқотчилар назаридан четда қолмоқда. Ўткир компартмент синдроми болдир суягининг ёпиқ жароҳатларида 35%гача, болдирнинг очик жароҳатларида 10%гача кузатилиши аниқланган (Кезля О.П., Гивойно Л.В., 2010, Sellei R.M., Hildebrand F., 2014). Л.Н.Анкин., Н.Л. Анкин ва хаммуаллифлар (2002) фикрича, болдир суяклари синиқларини даволашда қониқарсиз натижаларнинг асосий сабаби ўткир компартмент синдроми ҳисобланади. Компартмент синдромини оқибатларини биринчи бўлиб, 1881 йил V.Volkman изоҳлаб берган. Ўткир компартмент синдромининг ривожланиш патогенезига кейинги 100 йил ичида аниқликлар киритилди, маълумотлар банки яратилди (Lezer 1984 й., H.Littlewood 1900 й., L.V.Murphy 1914 й., V.Brooks 1922 й). Болдир мушаклари фасциал футляр ичида жойлашганлигини инобатга олиб V.Brooks тўқима ичи босимини жароҳатдан сўнг ортиши мушакни озиклантирувчи артерио-венос тизими градиентини ўзгаришини аниқлаган. 1938 йил H.S.Wells биринчи бўлиб тўқима ичи

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ 4890-сон «Тиббий профилактика самарадорлигини янада ошириш орқали ахоли саломатлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

босимини аниқлашни таклиф этган. Ўткир компартмент синдромини ургент ҳолат деб қабул қилиш тасия этилади. Муаммонинг жиддийлиги туфайли Британия пластик жарроҳлар уюшмаси ҳамкорликда ўткир компартмент синдромини бирламчи баҳолаш ва даволашни самарадорлигини ўрганиш тузилмасини ташкил этган ва ушбу тузилмани “Британия ортопедик ассоциацияси“ таркибига киритган (Гарднер У., 2019). Тадқиқотчилар ўткир компартмент синдромини тезкор равишда ташхислашда предикторларни аниқлашга жиддий эътибор беришни тавсия этади.

Республикамизда болдир суяклари синиқларини замонавий услубда даволаниши туфайли беморларни тиббий ва ижтимоий реабилитация даври сезиларли қисқарди (Ирисметов М.Э., Шамшиметов Д.Ф., 2021). Мураккаб бўлган кўп сонли шикастланишларни даволашда қўлланилувчи интрамедуляр (БИОС), блокловчи пластинкалар (LCP), ҳамда компрессион-дистракцион даволаш усулини амалиётга кириши болдир суякларини бўғим ичи, диафизар синиқларини даволашда исботланган тиббиёт асосларига тўла жавоб берган ҳолда амалиётда қўлланилиши, даволаш натижаларини ижобий томонга сезиларли ўзгартирди (Каримов М.Ю., Салохиддинов Ф.Б., 2018), кутилаётган асоратларни камайишига олиб келди (Дурсунов А.М., Шукуров Э.М., 2016). Болдирнинг проксимал қисми бўғими ичи синиқларини ташхислашда эндоскопик усулдан фойдаланишлик бўғим ичи синиқларини ташхислаш ва даволашда инновацион характерга эга бўлиб, ўзининг имкониятларини исботлади (Ирисметов М.Э., Шамшиметов Д.Ф., 2022). Ходжанов И.Ю., Амонов Л.А.лар (2023) травмаларда юмшоқ тўқималарнинг шикастланишларига алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидлаб ўтган. Джаббаров Ж.И. (2020) қорин бўшлиғи аъзоларида шошилиш операциялардан сўнг вужудга келадиган қорин бўшлиғи гипертензиясини пасайтиришнинг, шу жумладан қорин бўшлиғи соҳасида компартмент синдромнинг ривожланишини олдини олишга хизмат қилувчи дастурий санацияловчи лапароскопия ва дастурий релапаротомия жарроҳлик усуллари ишлаб чиққан.

Ўткир компартмент синдромиде кузатилувчи предикторларни ўз вақтида аниқланмаслиги ёки мавжуд белгиларни ниқобланганлиги туфайли ушбу касалликни эътибордан четда қолдириш оғир асоратларга сабаб бўлади (рабдомиолиз, оёқнинг ампутацияси, летал ҳолат). Ўткир компартмент синдромини даволашда анъанавий даволаш усуллари сақланиб қолмоқда (Джумабеков С.А., Эшматов А.Р., 2016; Allison M.T., Richard A.L., Muhammad W., 2024). Ўткир компартмент синдромини прогнозлашда, даволашда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш травматологиянинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. Ўткир компартмент синдроми аниқланганда, беморни фасциотомия операциясига қадар олиб бормаслик ва унинг оғир оқибатларини олдини олиш учун замонавий ташхислаш, прогнозлаш, ҳамда янги даволаш усуллари ишлаб чиқиш травматологиянинг ечимини топиши зарур бўлган муаммоси ҳисобланади. Мавжуд тиббий адабиётларда ўткир компартмент синдромига бағишланган,

чоп қилинган илмий маълумотларни кўп эмаслиги, касалликнинг предикторлари ва кузатилувчи, йўналтирувчи белгиларини инобатга олинмаслиги туфайли беморларга кеч ташхис қўйилмоқда ва уни ривожланган босқичида фасциотомия жарроҳлик амалиётини ўтказишга мажбур бўлинмоқда (Wall C.J., Lynch J.H., 2010; Suomalainen P., Pakarinen T.K., Rajamäki I., 2021) Иванов Д.В. (2011), Ankin A.N., Bywaters E.G., ва Beall D. (2002) фикрига биноан болдир суяклари синиқларини даволашда кузатилаётган қониқарсиз натижаларнинг сабабларидан бири ўткир компартмент синдроми ҳисобланади. Шундай қилиб, ушбу муаммонинг мураккаблигига кўра эрта намоён бўлувчи белгиларини аниқлаш, лаборатор таҳлилларнинг ўрни ва предкомпартмент белгиларини баҳолаш, прогнозлаш каби вазифалар травматология ва ортопедиянинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот мавзусини диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Андижон давлат тиббиёт институти травматология, ортопедия ва нейрохирургия кафедрасининг илмий тадқиқот режасига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади болдир суяклари ёпиқ синиқларида кузатилувчи ўткир компартмент синдромини прогнозлаш ва даволаш самарадорлигини яхшилаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўткир компартмент синдроми ривожланиб бориш ҳавфини прогнозлашга асосланган ҳолда катта болдир суяги синиқларини даволаш тактикасини ишлаб чиқиш;

ўткир компартмент синдроми кузатилган болдир суяклари синган беморларда фасциотомияга абсолют кўрсатмаларни белгилаш;

клиник, инструментал ва лаборатор текширувлар асосида ўткир компартмент синдроми босқичларини таҳлил қилиш;

ўткир компартмент синдроми ривожланиб боришини башоратлаш асосида, асоратлар ва фасциотомияни олдини олиш мақсадида, даво муолажалари билан биргаликда гирудотерапияга асосланган даволаш ёндашувини ишлаб чиқиш ва самарасини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016-2024 йилларда Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалида ва 2020-2023 йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасида болдир суяклари синиқларидан кейинги ўткир компартмент синдроми билан асоратланган 139 нафар беморлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болдир суяклари синиқларидан кейин ривожланувчи ўткир компартмент синдроми билан асоратланган беморларда ўтказилган клиник, инструментал ва лаборатор текширувлар натижалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида клиник, инструментал, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

статистик аҳамиятли бўлган хавф омилларидан иборат шкала мезонлари балл тизими ёрдамида такомиллаштирилган ва ўткир компартмент-синдроми ривожланиш хавфини башорат қилишга асосланган катта болдир суяги синишларини даволаш тактикасини аниқлаш усули ($k=0,502$, $p=0,001$) ишлаб чиқилган;

ўткир компартмент синдромида фасция ичи босими ва плазма таркибидаги креатинкиназа миқдорининг ортиши орасида тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик илк бор аниқланган ($p=0,01$), бунда креатинкиназанинг 300 бирлик/литрдан ортиши фасциотомия жарроҳлик амалиёти учун абсолют кўрсатма бўла олиши исботланган;

фасция ичи босимининг 50 мм симоб устунидан ва креатинкиназа миқдорининг 300 бирлик/литрдан юқори бўлиши кузатилганда, ўткир компартмент синдромининг барча (5P) клиник белгилари (98,2%) аниқланиши исботланган, бунда клиник симптомлар, фасция ичи босими ва креатинкиназа миқдorigа қараб, ўткир компартмент синдромини учта клиник - компенсация, субкомпенсация, декомпенсация босқичларига тансифлаш имкони юзага келган;

ўткир компартмент синдроми ривожланишини олдини олиш мақсадида илк бор гирудотерапия усулидан фойдаланилган, гирудотерапийадан кейин солиштирма доплерографик текширувлар асосида a.femoralis пульс индексининг камайиши, a.dorsalis pedis пульс индексининг кўтарилиши ҳамда, ишемиянинг баргараф этилиши аниқланган, натижада фасциотомия ўтказиш зарурати 68,8%га камайиши, жароҳатдан 5-7 суткадан сўнг болдир суякларини остеосинтезини ўтказиш имконияти яратилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

болдир суякларини синишларида ўткир компартмент синдромини ишлаб чиқилган шкала ёрдамида олдиндан прогноз қилиш касаллиқнинг декомпенсация босқичларига ўтишини ва фасциотомия жарроҳлик амалиётини олдини олишга имкон бериши исботланган;

болдир соҳаси ўткир компартмент синдромида плазмадаги креатинкиназа ферментининг 300 бирлик/литрдан ортиши фасциотомия жарроҳлик амалиёти учун абсолют кўрсатма бўла олиши ҳамда сабабсиз фасциотомия жарроҳлик амалиётларини чеклаш мумкинлиги исботланган;

ўткир компартмент синдромини компенсация, субкомпенсация, декомпенсация босқичларига тансифланиши асосида ўткир компартмент синдромининг клиник босқичларига биноан даволаш ёндашуви асослаган;

ўткир компартмент синдромини компенсация ва субкомпенсация босқичларида гирудотерапия усулини қўллаш, натижада қон томирларнинг рефлектор кенгайиши, қон реологиясининг яхшиланиши, ўткир компартмент синдромини декомпенсация босқичига ўтишининг олдини олиши орқали 68,8% фасциотомиянинг олди олиниши ва эрта остеосинтез ҳамда эрта реабилитацияга имкон бериши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўткир компартмент синдроми кузатилган беморлар ҳолатини баҳолашнинг ишончли мезонлари, ишлаб чиқилган диагностика ва даволаш усуллари, етарли клиник материал, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлиллар орқали асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўткир компартмент-синдроми ривожланиш хавфини башорат қилишга асосланган катта болдир суяги синишларини даволаш тактикасини аниқлаш усулининг ишлаб чиқилиши, ўткир компартмент синдромида фасция ичи босими ва плазма таркибидаги креатинкиназа миқдорининг ортиши орасида тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқликнинг илк бор аниқланиши, креатинкиназанинг 300 бирлик/литрдан ортиши фасциотомия жарроҳлик амалиёти учун абсолют кўрсатма бўла олишининг исботланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўткир компартмент синдроми ривожланишини олдини олиш мақсадида илк бор гирудотерапия усулидан фойдаланилганлиги, хавф омилларидан иборат шкала мезонлари балл тизими ёрдамида такомиллаштирилганлиги, солиштирма доплерографик текширувлар асосида a.femoralis пульс индексининг камайиши, a.dorsalis pedis пульс индексининг кўтарилиши ҳамда ишемиянинг бартараф этилиши, натижада фасциотомия ўтказиш зарурати 68,8%га камайиши, жароҳатдан 5-7 суткадан сўнг болдир суякларини остеосинтезини ўтказиш имконияти яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Эксперт ҳайъатининг 22.05.2025 йилдаги 18/17-сон хати (Андижон давлат тиббиёт институти томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига илмий ишланмаларни бошқа тиббиёт муассасаларига жорий этиш ҳақидаги 08.05.2025 йилдаги 06-2438-сон хати юборилган) асосида:

биринчи илмий янгилик: статистик аҳамиятли бўлган хавф омилларидан иборат шкала мезонлари балл тизими ёрдамида такомиллаштирилган ва ўткир компартмент-синдроми ривожланиш хавфини башорат қилишга асосланган катта болдир суяги синишларини даволаш тактикасини аниқлаш усули ($k=0,502$, $p=0,001$) ишлаб чиқилиб, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали (134/26-сон буйруғи, 15.06.2024 йил), Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали (187/19-сон буйруғи, 18.09.2024 йил) амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: олинган натижалар ўткир компартмент-синдроми билан асоратланган катта болдир суяги синган беморларни сифатли даволаш самарадорлигини ошириб, жарроҳлик аралашувини камайтириши, эрта реабилитацияни бошлаш ва болдир функциясини тўлиқ тиклаш имконияти туфайли қониқарсиз натижалар улушини камайтиришга имкон беради; юмшоқ тўқималарга кам жароҳат етказиш, асоратларнинг камайиши, стационар даво муддатининг қисқариши, реабилитация муддатларининг

камайиши, яхши натижалар олиш имконини берган; таклиф этилган даволаш усулидан фойдаланиш ўткир компартмент-синдроми билан асоратланган катта болдир суяги синган беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: 1) беморнинг шифохонадаги даври учун: беморнинг шифохонада қолиш муддатини қисқартиради ва шифохонада қолиш тўлов миқдорини камайтирди (шифохонанинг жарроҳлик бўлимларида 5-7 кун ётиб даволаниш 2645526 сўми ташкил қилади); - таклиф қилинган даволаш усули қўлламаган ҳолда муолажанинг фарқи 2645526 сўм иқтисод қилишга имкон беради; таклиф қилинган даволаш усулини қўлламаган ҳолда бажарилган жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда беморларга шифохонада дори-дармонларга сарф қилинган маблағ миқдори ўртача 996000 сўми ташкил қилган бўлса, таклиф қилинган даволаш усулини қўлланилган ҳолда бажарилган жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда беморларга шифохонада дори дармонларга сарф қилинган маблағ миқдори ўртача 596000 сўми ташкил қилди, бу эса 400000 сўм маблағни тежаш имконини беради; 2) юқоридаги кўрсатмалар бўйича даволанган беморларнинг эрта реабилитациясини бошлаш уларнинг вертикализациясини тезлаштиради ва кейинчалик ногиронлик сабабларини бартараф этиш имконини беради. *Хулоса:* ўткир компартмент-синдроми билан асоратланган катта болдир суяги синган беморларни даволашда, таклиф қилинган прогнозлаш ва даволаш усулини қўлланилиши, қўшимча жарроҳлик амалиётини олдини олади, беморда қўшимча жароҳат, контрактуралар юзага келишини олди олиниши 1 бемор учун 1322763 сўмга тежаш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: ўткир компартмент синдромида фасция ичи босими ва плазма таркибидаги креатинкиназа миқдорининг ортиши орасида тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик илк бор аниқланган ($p=0,01$), бунда креатинкиназанинг 300 бирлик/литрдан ортиши фасциотомия жарроҳлик амалиёти учун абсолют кўрсатма бўла олиши Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали (134/26-сон буйруғи, 15.06.2024 йил), Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали (187/19-сон буйруғи, 18.09.2024 йил) амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: олинган натижалар сифатли даволаш самарадорлигини оширишга ва қўшимча жарроҳлик амалиётини бажаришликка бўлган талабни камайтириш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: беморнинг шифохонадаги даври учун: беморнинг шифохонада қолиш муддатини қисқартиради ва шифохонада қолиш тўлов миқдорини тахминан 2645526 сўмга камайтирди; *Хулоса:* ўткир компартмент-синдроми билан асоратланган катта болдир суяги синган беморларни даволашда, таклиф қилинган прогнозлаш ва даволаш усулини қўлланилиши, фасциотомия жарроҳлик амалиётини олдини олади, 1 бемор учун 1322763 сўмга тежаш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: фасция ичи босимининг 50 мм симоб устунидан ва креатинкиназа миқдорининг 300 бирлик/литрдан юқори бўлиши кузатилганда, ўткир компартмент синдромининг барча (5P) клиник

белгилари (98,2%) аниқланиши исботланган, бунда клиник симптомлар, фасция ичи босими ва креатинкиназа миқдорига қараб, ўткир компартмент синдромини урта клиник - компенсация, субкомпенсация, декомпенсация босқичларига тансифлаш имкони Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали (134/26-сон буйруғи, 15.06.2024 йил), Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали (187/19-сон буйруғи, 18.09.2024 йил) амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: ўткир компартмент синдромини клиник босқичларга бўлиб, унинг ривожланишини олдини олиш, даволашнинг функционал ва анатомик натижаларини яхшилади, шуларнинг оқибатида қўшимча фасциотомия жарроҳлик амалиётини бажармаслик ва беморнинг меҳнат фаолиятини эрта тиклаш имконини берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: ўткир компартмент синдромини урта клиник - компенсация, субкомпенсация, декомпенсация босқичларига тансифлашда, фасция ичи босимини ўлчаш ва кретинкиназа лаборатор таҳлили билан тўлдирилишини тавсия этилиши, асоратларни олдини олиш учун тўғри жарроҳлик даволаш тактикасини танлашга имкон бериш натижасида ногиронлик даражасини пасайтириш ва иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* ўткир компартмент-синдроми билан асоратланган катта болдир суяги синган беморларда қўшимча фасциотомия операцияси ўтказилмаслиги ҳисобига маблағларни тежаш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: ўткир компартмент синдроми ривожланишини олдини олиш мақсадида илк бор гирудотерапия усулидан фойдаланилган, гирудотерапиядан кейин солиштирама доплерографик текширувлар асосида а.femoralis пульс индексининг камайиши, а.dorsalis pedis пульс индексининг кўтарилиши ҳамда ишемиянинг бартараф этилиши аниқланган, натижада фасциотомия ўтказиш заруратининг камайиши, жароҳатдан 5-7 суткадан сўнг болдир суякларини остеосинтезини ўтказиш имконияти яратилиши Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали (134/26-сон буйруғи, 15.06.2024), Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали (187/19-сон буйруғи, 18.09.2024 йил) амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: ўткир компартмент синдромини прогнозлаш асосида беморларни енгил, ўрта ва юқори хавф гуруҳларига ажратиб, шу асосда бажариладиган дифференциал даволаш тактикаси яхши натижаларга эришишга имкон беради, бу эса тўқималарнинг ортиқча шикастланишини олдини олиб, минимал асоратлар, стационар даволанишнинг қисқа муддати ва тизза ҳамда ошиқ бўғимларининг функционал тикланиш вақтини қисқартириш билан даволаш сифатини яхшилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: беморнинг шифохонада қолиш муддатини қисқартиради ва шифохонада қолиш тўлов миқдорини тахминан 2645526 сўмга камайтирди; - таклиф қилинган даволаш усули қўлламаган ҳолда муолажанинг фарқи 1322763 сўм тежашга имкон берган; - таклиф қилинган даволаш усулини қўлламаган ҳолда бажарилган жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда беморларга шифохонада дори- дармонларга сарф қилинган маблағ миқдори ўртача 996000 сўмни ташкил қилган бўлса, таклиф қилинган даволаш

усулини қўлланилган ҳолда бажарилган жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда беморларга шифохонада дори дармонларга сарф қилинган маблағ миқдори ўртача 596000 сўмни ташкил қилди, бу эса 400000 сўм маблағни тежаш имконини берган. 2) юқоридаги кўрсатмалар бўйича даволанган беморларнинг эрта реабилитациясини бошлаш уларнинг вертикализацияси тезлаштиради ва кейинчалик ногиронлик сабабларини бартараф этиш имконини берган. *Хулоса:* ўткир компартмент синдромини прогнозлаш асосида беморларни енгил, ўрта ва юқори хавф гуруҳларига ажратиб, шу асосда бажариладиган дифференциал даволаш тактикаси орқали амалга оширилиши 1 бемор учун 1722763 сўмга тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар ва асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган журналларда 6 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисми мавзунинг долзарблиги ва заруриятига асосланган, изланишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предметини кўрсатади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиб беради, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотларга бағишланади.

Диссертациянинг **«Болдир суяклари ёпик синикларида ўткир компартмент синдромини башоратлаш ва даволашнинг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида ўткир компартмент синдроми (ЎКС)нинг этиопатогенези, клиник кўринишлари, тарихий ва замонавий маълумотлари диагностика ва даволашнинг мавжуд усуллари бўйича замонавий адабиётларни таҳлил қилишга бағишланган. Ушбу патологияни ташхислаш ва даволаш муаммоларига бағишланган тиббий маълумотларлар таҳлили ўтказилган, консерватив ва жарроҳлик даволашнинг мавжуд усуллари тавсифи берилган, тадқиқот олиб бориш зарурати ёритилган. Боб қисқача хулоса билан яқунланади.

Диссертациянинг **«Клиник материаллар ва текшириш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида беморлар, клиник, инструментал, лаборатор ва статистик тадқиқотлар таърифи келтирилган. 139 нафар беморлардан эркаклар 82(59%), аёллар 57(41%) ташкил қилади. Беморларнинг ёшлар чегараси 19-74 ёшни (1.1-расм.), ўртача ёши $36,14 \pm 13,15$ ни ташкил қилади, бу эса ЎКС асосан мушак массаси яхши ривожланган беморларда ривожланиш белгиси эканлиги таъкидланган.



1-расм. Беморларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда тақсимланиши (n=139).

Беморлар анамнезига асосланган ҳолда жароҳат механизми ривожланишининг асосий сабаби автоҳалокат ва бахтсиз ҳодиса туфайли олган жароҳатларга тўғри келди (56,1%).

Олинган маълумотларни таснифлаш ва тизимлаштириш учун АО\ASIF универсал таснифи (А, В ва С синиш турлари) ишлатилган. АО классификацияси бўйича болдир суякларини синиқлари таҳлил қилинганда 77(55,4%) нафар беморда КБСни проксимал қисми (41А,В,С) синиқларига тўғри келган. Беморларларда қуйидаги клиник текширувлар ўтказилган: беморларнинг умумий ҳолати, “5Р” белгилари (Pain – кучли оғриқ; Pallor – тери рангини ўзгариши (оқариши); Pulssizlik – периферик артерияларда пульс кучини пасайиши; Parestesia – терининг ғайриоддий сезиши; Paralizis – мушак фалажлиги), оғриқнинг ВАШ шкаласи бўйича динамик баҳоланиши, фасция ичи босимининг динамик кўрсаткичлари, креатинкиназа ферментининг динамик кўрсаткичлари ва ЎКС ривожланишида вақт ўлчовининг аҳамияти, ҳамда солиштирма доплерография ўрганилган.

Оғриқ синдромини интенсивлигини ВАШ шкаласидан фойдаланилган ҳолда баҳоганда катта болдир суяги (КБС) проксимал қисми синиқлари (n=42 (55,3%)) 1 соатда $7\pm 1,1$ баллдан, 5 соатда $10\pm 1,1$ баллга; КБС диафиз қисми синиқлари (n=22(28,9%)) 1 соатда $6\pm 1,0$ баллдан 5 соатда $10\pm 1,3$ баллга; КБС ни дистал қисми синиқлари (n=12(15,7%)) 1 соатда $5\pm 1,0$ баллдан 5 соатда $9\pm 1,0$ баллга кўтарилган.

Беморлар касалхонага ётқизилгандан сўнг 1-2 соат мобайнида оғриқ синдромини интенсивлиги оддий анальгетиклар ёрдамида пасайтирилиб турилди. 3 соатдан сўнг эса оғриқ синдромини интенсивлиги кучайиб, беморда психологик зўриқиш аломатлари кузатилди. 4 соатдан сўнг эса беморда психомотор зўриқиш ва оғриқ синдромига дош бера олмаслик белгилари кузатилди. Оддий анальгетиклар билан мавжуд оғриқ синдроми интенсивлигини пасайтириш самарасиз бўлганлиги сабабли наркотик анальгетик инъекцияси ёрдамида оғриқ синдроми интенсивлиги пасайтирилди.

Беморларни вақт мезони бўйича гуруҳларга бўлиб ўрганилди ва ушбу беморларда клиник белгилар 5P, фасция ичи босими (ФИБ) ва плазмадага креатинкиназа ферменти (КК) ўрганилди (n=76). 1 гуруҳ 46 (60,5%) нафар бемор шифохонага жароҳат олгандан сўнг 1-4 соат ичида, 2 гуруҳ 24 (31,5%) нафар бемор 4-6 соат ичида, 3 гуруҳ 4 (5%) нафар бемор 12 соатдан сўнг ва 4 гуруҳ 2 (3%) нафар бемор 24 соатдан сўнг олиб келинган. Олиб келингандаги кўрсаткичлари:

- 1 гуруҳда ФИБ 12-18 мм.см.уст, КК миқдори 26-42 бирлик/литр;
- 2 гуруҳда ФИБ 16-24 мм.см.уст, КК миқдори 72-94 бирлик/литр;
- 3 гуруҳда ФИБ 24-30 мм.см.уст, КК миқдори 120-140 бирлик/литр;
- 4 гуруҳда ФИБ 30-50 мм.см.уст, КК миқдори 200-400 бирлик/литр.

Болдир суяклари синикларида асорат сифатида ривожланувчи ЎКСни эрта аниқлаш ва ташхислаш учун кўп факторли белгиларни ўрганиш, мавжудлигини таъсдиқлаш (5”P” белгилари, креатинкиназа ферменти кўрсаткичи, тўқима ичи босимини назорати, беморнинг ёши, анамнезида юқори энергияли шикастланиш мавжудлиги, шикастланишга мос келмайдиган ғайри табиий оғриқ синдромини мавжудлиги, оғриқ интенсивлигининг фақат наркотик анальгетик билан пасайиши) ўткир компартмент синдромини эрта, енгил даражасида аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари беморни жароҳат олгандан сўнг шифохонага етказиб келиш вақти ҳам энг муҳим омиллардан ҳисобланиб, кузатувимиздаги беморлардан маълумки бемор шифохонага қанчалик узоқ вақтда олиб келинса, ЎКСнинг субкомпенсация ва декомпенсация босқичлари кузатилди.


Диссертациянинг «**Болдир суяклари синган беморларда ўткир компартмент синдромини даволаш усуллари**» деб номланган учинчи бобида ушбу ЎКСни даволаш усуллари батафсил тавсифланган. 2020 йилгача болдир суяклари синган ва ЎКС билан асоратланган беморларга **консерватив** (жароҳатланган сегментни ташқи эзиб турувчи омиллардан халос қилиш (гипс, эзиб турувчи боғлов); оғриқ қолдирувчи воситалар (наркотик ва наркотик бўлмаган); маҳаллий шишни камайтирувчилар; микроциркуляцияни яхшиловчи дори воситалари; флеботроп дори воситалари; антикоагулянтлар; инфузион – детоксикацион терапия; буйрак фаолиятини назорати; диуретиклар) ва **оператив даво** (консерватив даво муолажалари кониқарсиз деб баҳоланганда фасциотомия жарроҳлик амалиёти). Ушбу усул 63 нафар беморда қўлланилган. Компартмент синдроми регресс қилингандан сўнг 15-23 кунлари болдир суяклари синиклари остеосинтез қилинган. 2020 йилдан буён 76 нафар беморда биз ишлаб чиққан “Компартмент синдромини ривожланиш хавфини прогнозлашга асосланиб катта болдир суяги синган беморларни даволаш тактикасини аниқлаш усули” қўлланилди (IAP 7594). ЎКСда прогностик хатар омиллари асосида ЎКСни ривожланиш хавфини ҳар бир хатари баллар ёрдамида ифодаланди, баҳолаш натижаларига қараб хавф гуруҳларига бўлинди ва унга асосан ЎКС ривожланишини прогнозлаш ва даволаш мумкин бўлди (1-жадвал).

**ЎҚС ривожланишини прогнозлаш учун фойдаланилган хавф омиллари
(прогнозлаш шкаласи) (AUC= 0,89, $\chi^2 = 36,4$, $p < 0,001$):**

1. Беморни ёши ($p = 0,015$)	18-45 ёш -1 балл 50 ёш \geq -0 балл
2. Сеник тури (ОШ = 2,1, $p < 0,01$)	Ёпиқ сеник – 1 балл Очиқ сеник: Густ-Андер- I-II тип – 2 балл III – тури – 3 балл
3. Жароҳат механизми ($p < 0,01$, ОШ = 2,1, AUC = 0,87)	Паст энергетик жароҳат - 1 балл. Юқори энергетик жароҳат - 2 балл.
4. Юмшоқ тўқималарнинг жароҳати ($p < 0,01$)	Минимал жароҳат – 0 балл. Юмшоқ тўқималар жароҳати – 2 балл.
5. Страйкер портатив тензиометрида тўқима ичи босимини ($p < 0,01$)	10-15 мм см.уст – 0 балл. 16-24 мм см.уст – 1 балл. 25-29 мм см.уст – 2 балл.
6. Тўқима ичи босимини динамикадаги ўзгариши ($p = 0,015$)	ТИБ – доимий кўтарилиши – 2 балл. ТИБ – тўлқинсимон кўтарилиши – 1 балл.
7. Жароҳатда кузатилувчи оғриқ синдромига мос келмайдиган кучи оғриқ синдроми мавжудлиги ($p = 0,015$)	Мос келувчи оғриқ – 0 балл. Кучли интенсив оғриқ – 1 балл.
8. Капиллар тўлиқлиги симптоми ($p < 0,01$)	3 секунддан кам вақтда тўлиши – 0 балл. 3 секунддан кўп вақтда тўлиши – 1 балл.
9. Жароҳатланган болдирнинг тери сезгисини ўзгариши ($p < 0,01$)	Сезги ўзгармагани – 0 балл. Сезги ўзгарган -1 балл.
10. Жароҳатланган сегментда ҳаракатни ўзгарганлиги (ОШ = 2,1)	Ҳаракат ўзгаришсиз – 0 балл. Ҳаракатда ўзгариш мавжуд – 2 балл.
11. Куйиш жароҳати ($p < 0,01$)	Куйиш жароҳати мавжуд эмас – 0 балл. Куйиш мавжуд – 2 балл.
12. Комарбидлик ҳолати ($p = 0,015$, ОШ = 2,1, AUC = 0,78)	Тизимли касаллик мавжуд эмас – 0 балл. Мавжуд (қон – томир касаллиги, диабет) – 1 балл.
13. Касалхонага ўз вақтида мурожаат қилмаслиги ($p = 0,015$, ОШ = 2,1, AUC = 0,78)	6- соатгача – 0 балл. 6-12 соат – 1 балл. 12 соат кўп - 2 балл.
14. Даволаниш режимига риоя қилмаслик ($p < 0,01$)	Риоя қилиш – 0 балл Риоя қилмаслик – 1 балл.
15. Биргаликда учровчи сениклар ($p = 0,01$, ОШ = 1,6)	Фақат КБС сениғи - 1 балл. Полифрактура – кичик болдир суяги, сон суягини бирга сениши – 2 балл.
16. Антикоагулянт ва антиагрегантларни қабул қилиш ($p = 0,001$, ОШ = 2,3, AUC = 0,90)	Қабул қилмаслик – 0 балл. 24 соат ичида қабул қилиш – 1 балл. Кунда қабул қилади – 2 балл.

Юқорида келтирилган ЎКСда кузатилувчи хатар омилларини мавжудлигини ҳисобга олиб, жамланган баллар асосида болдир суяклари синган беморларни 3 гуруҳга шартли бўлиш мумкин бўлди ва унинг асосида даво муолажаларига ёндашилди: 1) Енгил хавф даражаси (*Прогнозлаш бали* $5 \geq$) - бемор клиник кузатувда бўлади, асосан синишга ва беморни соматик ҳолатига эътибор қаратилади; 2) Ўрта хавф даражаси (*Прогнозлаш бали* 6-12 *оралиғи*) - беморни мунтазам кузатишни талаб қилади (хар 45 дақиқада клиник текширув, хар 2 соатда ФИБ ни назорат қилиш); оксигентерапия, гиперосмоляр ва гиперонкотик суюқликлар инфузияси; гирудотерапия хар 2 соатда 2 тадан тиббиёт зулугини қўллаш. 3) Юқори хавф даражаси (*Прогнозлаш бали* $12 \leq$) - беморни хушёрлик билан мунтазам кузатишни талаб қилади (хар 20 дақиқада клиник текширув, хар соатда ФИБни назорат қилиш); оксигентерапия, гиперосмоляр ва гиперонкотик суюқликлар инфузияси; гипс боғламлари ва скелет тортма мосламасини олиб ташлаш, оёқларни шинага жойлаштириш; вақт мезонига таянмасдан ташрих хонасини шошилинич фасциотомия жаррохлик амалиётига тайёрлаш, синиш бўйича жаррохлик амалиёти (остеосинтез)ни тезлаштириш.

ЎКСни даволашда гирудотерапия усулини қўлланилиши ва бажариш техникаси. Болдир суяги синган сегменти соҳасига (компаратмент марказига) хар 2 соатда 2 тадан тиббиёт зулуги асептика, антисептика қодаларига риюя қилинган ҳолда қўйилди. Тиббиёт зулуги таркибидаги ферментлар ва ацетилхолин рецепторларга таъсир қилиб, вазодилатация ва мускул релаксациясини кўзғатди. Қон айланишини фаоллаштирди, оғриқ ва спазмни камайтирди. Бделлин ва эглин протеазалар (трипсин, химотрипсин, эластаза) фаоллигини тормозлаб, яллиғланиш реакцияларини сусайтирди, оғриқ ва шишни камайтирди, натижада ЎКСни декомпенсация босқичига ўтишининг олди олинди (2- ва 3-расмлар).




А



Б

2-расм. Ўткир компартмент синдроми юзага келган болдир соҳаси. (а-схематик кўриниши; б-табiiй кўриниши).



А




Б

**3-расм. Ўткир компартмент синдромида гирудотерапия сеанси.
(а-схематик кўриниши; б-табiiй кўриниши)**

Гирудотерапия сеансидан кейин ҳам “ТЗ” хосил қилган терининг микротешикларидан 6-8 соат давомида пассив равишда геморрагия кузатилиб турилди, бу эса босимлар фарқи ҳисобига компартмент ичи босимининг янада пасайишига имкон яратди. Компартмент синдромини даво муолажалари давомида вақт мезони бўйича баҳолаб бориш учун қуйидаги параметрлардан фойдаланилди: 5P, оғриқнинг ВАШ шкаласи бўйича динамик баҳоланиши, компартмент ичи босимини назорати (4-расм), плазмадаги креатинкиназа миқдори ва қон томир реологиясини баҳолаш учун солиштирма доплерографик текширувлар.



а



б

4-расм. Компартмент ичи босими назорати (а-муолажадан аввал; б-муолажадан сўнг)

Таклиф этилган даво муолажалари натижасида ЎКС регресс қилиниб, декомпенсация босиқичига ўтишини олди олингандан сўнг (68,8%), 5-7-суткада болдир суяқларини остеосинтез қилинди (5-расм).



5-расм. Фоторентгенграмма тасвирлари.
а – шикаст олиб келган вақтдаги; б – ташрихдан кейинги.

Кузатувлар асосида болдир суяқлари синиқларида ЎКС билан асоратланиб бўлган беморларни уч асосий босқичга бўлиб ўргандик: - компенсация босқичи (оғриқ синдроми наркотик бўлмаган оғриқ қолдирувчи воситалар ёрдамида бартараф этилади, ФИБ 10-30 мм сим уст, КК 24-189 бирлик/литр), - субкомпенсация босқичи (Pain-кучли оғриқ, Pallor-тери рангининг оқишлиги, ФИБ 31-50 мм сим уст, КК 190-299 бирлик/литр), - декомпенсация босқичи (Pain- кучли оғриқ, Pallor- тери рангининг оқариши, Paresthesia-парестезия, Paralysis-паралич, Pulselessness-периферик пулс кучининг пасайиши ёки йўқолиши, ФИБ 50 мм сим уст \leq КК 300 бирлик/литр \leq) эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Ўтқир компартмент синдромини даволаш усуллари самарадорлигини тахлили ва қиёсий баҳоланиши» деб номланган тўртинчи бобида болдир суяқлари синган ва ЎКС билан асоратланган беморларни даволаш натижаларини қиёсий тахлилинини изохланган. Даволаш натижалари 139 беморда баҳоланди, кузатув муддати 1 ойдан 12 ойгача (ўртача кузатув даври 9 ойни ташкил этди). «Компартмент синдромини ривожланиш хавфини прогнозлашга асосланиб катта болдир суяги синган беморларни даволаш тактикасини аниқлаш усули» (IAP 7594) 76 беморда қўлланилган (2-жадвал).

**Назорат ва асосий гуруҳ даво муолажаларининг қиёсий натижалари
(n=139)**

№	ЎКСни предикторларини бартараф қилиш учун қўлланилган чора тадбирлар	Анъанавий даволаш усули (n=63)	Такимиллашган даволаш усули (n=76)	p
1	Кучли оғриқ синдромини регресси	2-3 суткада	1-2 суткада	p<0,001
2	ЎКС предиторларини регресс бўлиши	3-4 суткада	1-2 суткада	
3	Фасциятомия амалиёти	45 (71,4%)	2 (2,6%)	
4	Гемодиализ	2 (3,2%)	0 (0%)	
5	Йирингли асоратлар	8 (12,7%)	1 (1,3%)	
6	Болдир сегменти ампутацияси	1 (1,6%)	0 (0%)	
7	Остеосинтез қилинган муддат	15-23-куни	5-7-куни	
8	Касалхонада даволаниш	35-41 кун	7-12 кун	
9	Сурункали оғриқ ва парезлар	11 (17,4%)	3(3,9%)	
10	Ишемик контрактуралар	9 (14,3%)	3 (3,9%)	
11	Сохта бўғим	3 (4,7%)	1 (1,3%)	
12	Мускул чурраси	5(7,9%)	0 (0%)	
13	Чандиқ касаллиги	4(6,3%)	1 (1,3%)	
14	Остеомиелит	4(6,3%)	1 (1,3%)	

1 гуруҳ 46 (60,5%) беморлар шифохонага 1-4 соат ичида олиб келинган, муолажадан олдинги кўрсаткичлар: ВАШ $7\pm 1,1$; ФИБ 12-18 мм.см.уст; КК 26-42 бирлик/литр; прогнозлаш бали 4-6 балл; муолажадан кейинги кўрсаткичлар: ВАШ $4\pm 0,9$; ФИБ 8-9 мм.см.уст; КК 20-30 бирлик/литр.

